

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.3/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ**

**ХАЛИЛОВ НУРУЛЛО ХАМИДИЛЛАЕВИЧ**

**МАҲСУЛОТЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА**  
**СИФАТНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**  
**(Андижон вилояти саноат корхоналари мисолида)**

**08.00.13 – Менежмент**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Иқтисодийёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in  
Economic Sciences**

**Халилов Нурулло Хамидиллаевич**

Маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишда сифатни бошқариш  
тизимини такомиллаштириш (Андижон вилояти саноат корхоналари  
мисолида) ..... 3

**Халилов Нурулло Хамидиллаевич**

Совершенствование системы управления качеством в повышении  
конкурентоспособности продукции (на примере промышленных  
предприятий Андижанской области) ..... 27

**Khalilov Nurullo Khamidullayevich**

Improvement of quality management system on increasing competitiveness  
of products (on the example of the industrial enterprises of the Andijan  
region) ..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 57

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.3/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ**

**ХАЛИЛОВ НУРУЛЛО ХАМИДИЛЛАЕВИЧ**

**МАҲСУЛОТЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА**  
**СИФАТНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**  
**(Андижон вилояти саноат корхоналари мисолида)**

**08.00.13 – Менежмент**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Iqt57 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон машинасозлик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Сотволдиев Абдулазиз Абдимўминович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Йўлдошев Нуриддин Қурбонович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Отажонов Шухрат Ибрайимжонович**  
иқтисодиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган муҳандислик-технология институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.3/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdu@tdiu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdu@tdiu.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Ш.Бекмуродов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
раиси, и.ф.д., профессор

**У.В.Ғафуров**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
илмий котиби, и.ф.д., профессор

**Ш.Дж.Эргашходжаева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д.,  
профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви истеъмолчиларнинг маҳсулот ва хизматларга бўлган талабларини ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли маҳсулот сифатининг пастлиги сабабли уни бартараф этишга сарфланадиган катта харажатлар жаҳон мамлакатлари саноати учун жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Таҳлилларга кўра, 2018 йилда АҚШ корхоналарида харажатларнинг 20-25 фоизи маҳсулотларнинг нуқсонларини аниқлаш ва бартараф этишга сарфланган. Бироқ, БМТнинг Саноатни ривожлантириш ташкилотини 2018 йилдаги маълумотларига кўра, «саноат ишлаб чиқариш муҳим ўрин тутиб, жаҳон ялпи ички маҳсулоти таркибида саноатнинг улуши 16,4 фоизни, саноати ривожланган мамлакатларда 23,1 фоизни, саноати ривожланаётган мамлакатларда 26,6 фоизни, саноати қуйи ривожланиш даражасига эга бўлган мамлакатларда эса 15,3 фоизни ташкил этган»<sup>1</sup>. Шу жиҳатдан, саноат маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишда сифатни бошқариш тизимини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади.

Жаҳонда саноат маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишда сифатни бошқариш тизимини такомиллаштириш соҳасида халқаро стандартларни жорий этиш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Хусусан, саноат корхоналарида маҳсулот сифатини бошқариш тизимини ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш бўйича муайян натижаларга эришилган. Бироқ, саноат маҳсулотлари рақобатбардошлигига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва баҳолаш, саноат таркибини кенгайтиришда инновацион технологияларни қўллаш, янги маҳсулот турларини яратиш, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга тежамкор технологияларини жорий этиш, бунда сифат менежменти тизимини такомиллаштириш ҳамда саноат тармоқларининг инновацияларга асосланган кластерларини яратиш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб боришга эҳтиёж катта.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилиш ва уларнинг хорижий бозорларда юқори мавқега эга бўлишида сифат менежменти ва стандартлаштириш масалаларининг долзарб аҳамият касб этиши натижасида саноат корхоналари маҳсулотлари сифатини таъминлаш учун корхоналарнинг амалдаги бошқарув тизимига батамом ўзгача ёндашиш талаб этилмоқда. «2018 йил якуни бўйича мавжуд 21895 та меъёрий ҳужжатлардан 3630 таси (16,6 %) халқаро стандартлар билан уйғунлаштирилган»<sup>2</sup>. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида: «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич

<sup>1</sup> UNIDO\_IDR2020-MainReport\_overview.pdf Industrial Development Report 2020. Industrializing in the digital age. Vienna. 2019. pp. 143-154.

<sup>2</sup> «Ўзстандарт» агентлигининг 2018 йил якунлари бўйича ҳисобот маълумотлари.

камайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш»<sup>3</sup> каби муҳим устувор вазифалар белгиланган. Мазкур вазифаларнинг самарали ижроси мамлакатимиздаги саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш бўйича ишларни жадаллаштиришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ-4059-сон «Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 15 августдаги ПҚ-4419-сон «Ўзбекистон Республикасида мувофиқликни баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш ва синов лабораториялари комплексини ривожлантириш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Корхоналарда маҳсулот сифатини бошқариш тизимини такомиллаштириш масалалари кўплаб хорижлик олимларнинг, хусусан, И.Ансофф, Е.Бем-Баверк, Л.Вальрас, У.Жевонс, Д.Локк, К.Менгер, В.Парето, П.Самуэлсон, Ф.Эжуорт, Ж.Этингер, Ф.Кросби, Ф.У.Тейлорларнинг илмий ишларида ёритилган. Маҳсулотлар рақобатбардошлигини бошқаришни стратегик менежмент қуроли сифатида ўрганиш бўйича Я.Корнай, Р.Кунц, П.Друкер, Ф.Котлер, Б.Карлоф, А.Стрикленд, А.Томпсон, А.Оуэнларнинг илмий ишлари классик ишларга айланган<sup>4</sup>.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида сифатни бошқариш масалалари Г.Г.Азгальдов, Г.Г.Белекчян, В.Г.Версан, Г.И.Немченко, А.А.Бочаров, Т.А.Худякова, С.А.Шевченко, С.Ю.Богатирев, П.В.Забелин,

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>4</sup> Ансофф И. Стратегическое управление: пер. с англ. – М.: Прогресс, 2009.-519 с.; Production and Manufacturing Performance Improvement in Japan, UK, and USA 2004-2011. ESRC Centre for Business Research, University of Cambridge, Working Paper, 2012, №. 232); Cauchik M. The Strategic Role of Quality Management in the Brazilian Auto Parts Industry: An Empirical Study. In Strategic Management of Manufacturing Value Chain. Ed. by Bititci U. Kluwer Academic Publishers, 2012, Norwell, MA. P.595-652.; Корнай Я. Дефицит. – М.: Наука, 2010, – 181 с.; Кунц Р. Управление: системный и ситуационный анализ управленческих функций/ Р. Кунц, С. О’Донелл: пер. с англ. – М.: Прогресс, 2001. – 201с.; Карлоф Б. Деловая стратегия. – М.: Экономика, 2003. - 198с.; Оуэн А. Как осуществлять стратегию // Хрестоматия «Управление изменениями». – М.: МЦДО «Лина», 2006. – 149 с.; Томпсон А.А. Стратегический менеджмент. Искусство разработки и реализации стратегии / А. А.Томпсон А. Дж. Стрикленд: пер. с англ.; под ред. Л.Г.Зайцева М.И.Соколовой. – М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 2015. – 576с.; Мескон М.Х., Альберт М., Хедоури Ю. Основы менеджмента – М.: Днло, 2012. – 520 с.; Фейгенбаум А. Контроль качества продукции. – М.: Экономика, 2014.; Харрингтон Дж.Х. Управление качества в американских корпорациях. – М.: Экономика, 2010.

А.Н.Петров, С.Г.Светуных, Д.В.Соколов ва В.В.Томилов каби олимлар<sup>5</sup> тадқиқотларида ўрганилган.

Ўзбекистонда маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш ва сифатни бошқариш тизимини такомиллаштиришнинг умумий муаммоларини ўрганиш бўйича маҳаллий олимларимиздан Ё.А.Абдуллаев, Т.М.Ахмедов, А.Ш.Бекмуродов, Б.Б.Беркинов, М.У.Бадалова, С.Гуломов, Ш.Н.Зайнутдинов, М.А.Икрамов, Н.Қ.Йўлдошев, А.Ф.Расулов, Д.Н.Рахимова, А.А.Сотволдиев, Б.Т.Салимов, М.Л.Турсунходжаев, А.М.Қодиров, Ш.Ж.Эргашхўжаева, М.Юсупов, ва бошқа олимлар илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар<sup>6</sup>.

Хорижлик ва маҳаллий олимлар томонидан амалга оширилган ушбу тадқиқотлар муҳим назарий ва услубий манба бўлсада, иқтисодий адабиётларда саноат корхоналарида сифатни бошқариш тизимини ривожлантириш асосида маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқ айрим муаммолар тўлиқ ўрганилмаган. Бу эса саноат корхоналарида самарали бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида сифат бошқаруви тизими концепциясидан тўлиқ фойдаланишга имкон бермайди ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибасини мамлакатимиз саноат корхоналари фаолиятига мослаштириш масалалари бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

---

<sup>5</sup> Азгальдов Г.Г. Проблемы измерения и оценки качества продукции. – М.: «Знание», 2012; Версан В.Г. Система менеджмента качества как целевая подсистема матричной структуры менеджмента предприятия // Сертификация, 2013, 2-6 б.; Белекчян Г.Г. Исследование показателей, применяемых в управлении качеством продукции в производстве. Дис.на соиск. учен. степени канд.экон.наук. – Минск, 2011; Дедекаев В.А. Вопросы совершенствования организации комплексной системы управления качеством продукции. Дис. на соиск. учен. степени канд.экон.наук. Львов, 2009; Лапикус С.Т. Экономическая эффективность повешения касества продукции, дис.на соиск.учен. степени канд.экон.наук. – М.: 2011; Мхитраян В.С. Статистические методы в управлении качеством продукции. – М.: Финансы и статистика, 2012; Пьянков Б.В. и др. Интенсификация, качество, эффективность.-Л.:Лениздат, 2006.; Сиськов В.И. Экономико-статистическое исследование качества продукции. – М.: Статистика, 2011; Томилин В.Н. Управление качеством в условиях прихода к рыночной экономике. Стандарты и качество, 2013, №10; Чайка И.И. Конкурентная борьба предприятий – это соревнование систем управления качеством. Стандарты и качество. – М.: 2016, № 12; Управление качеством: Учебник для ВУЗов/ С.Д. Исьенкова, П.Д.Ильенкова, В.С.Мхитарян и др.: Под ред. д.э.н., проф. С.Ильенковой. – М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 2015, -199 с.

<sup>6</sup> Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В.Ўзбекистон иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида. – Т.: Иқтисодиёт, 2008. – 126 б.; Бадалова М.У. Миллий иқтисодиётда халқаро ISO 9000 серияли сифатни бошқариш тизимини жорий этиш хусусиятлари. Иқтисодий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2008; Расулов М.Н. Корпоратив бошқарувнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш негизида корхоналар ривожланиш самарадорлигини ошириш (Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналари материаллари мисолида).08.00.13 – «Менежмент ва маркетинг» ихтисослиги. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2010. – 161 б.; Замонавий менежмент: назария ва амалиёт / Д.Н.Рахимова ва бошқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009, 792 б.; Саидова Г. Модернизация, техническое обновление и диверсификация производства, широкое внедрение инновационных технологий – необходимое условие выхода Узбекистана на новые рубежи на мировом рынке / «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманидаги тақдимот материаллари. – Т., ТДИУ, 2009 йил 5 май; Ходиев Б.Ю., Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Мамлакатни жадал ислох этиш ва модернизация қилиш – миллий тараққиётимизнинг мантиқий босқичи: Илмий-оммабоп рисола. – Т.: ТДИУ, 2008. – 53 б.; Абулкасимов Х.П. Приоритеты реформирования и модернизации экономики Республики Узбекистан. –Т.: Молия, 2010. – 84 с.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Андижон машинасозлик институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, БВ-Атех-2018-(84+83)-рақамли «Маҳсулотлар сифатини бошқаришни такомиллаштириш, шунингдек иқтисодий тармоқлар учун юқори ишлаб чиқариш технологиялари, машина ва ускуналар, приборлар, эталон воситалар, ўлчаш ва текширув усуллари яратиш» мавзусидаги амалий тадқиқотлар лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** саноат корхоналарида маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишда сифатни бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

саноат корхоналарида сифатни бошқариш тизимини шакллантириш бўйича услубий ёндашувларни ўрганиш ва уларни муайян тизимга солиш;

сифатни бошқариш тизимининг моҳиятига оидлик киритиш ва саноат корхонасининг умумий бошқарувида маҳсулот сифатини бошқариш тизимининг ўрнини аниқлаш;

саноат корхоналарининг сифат бошқаруви тизимини баҳолашнинг босқичлари ва мезонларини аниқлаш;

саноат корхоналари рақобатбардошлигини таъминловчи асосий омил сифатида маҳсулот сифатини комплекс бошқаришнинг мазмуни ва тамойилларини тадқиқ қилиш;

саноат корхоналарига халқаро стандартларга мувофиқ сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш ва сертификатлаш бозорини ривожлантириш ҳолатини таҳлил қилиш;

сифат менежменти ва сертификатлаш бозорини ривожлантиришга таъсир этувчи омилларнинг таъсирини баҳолаш;

саноат корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ сифатни бошқариш тизимини жорий этиш орқали маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш;

Андижон вилоятидаги саноат корхоналарида сифатни бошқариш тизими самарадорлигини баҳолаш;

худудий саноат корхоналарида сифатни бошқариш тизимини давлат томонидан тартибга солишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Андижон вилоятидаги саноат корхоналарида сифатни бошқариш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ фаолият танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб саноат корхоналарида сифатни бошқариш тизимини такомиллаштириш жараёнида юзага келувчи иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида статистик таҳлил, омилли таҳлил, SWOT таҳлил, сўровнома ўтказиш, танланма кузатиш, график талқин, корреляцион-регрессион таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.



**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

саноат корхоналарида маҳсулотлар сифатини бошқариш тизимининг ташкилий механизми корхонада меҳнат тақсимоти ва кооперациясини ташкил этиш, барча тоифадаги ишчи ходимларнинг касбий-малакавий маҳоратини ошириш асосида такомиллаштирилган;

саноат корхоналарида маҳсулотлар сифатини бошқариш тизимининг иқтисодий механизми корхонада маҳсулот сифатини яхшилаш, ишчи ходимларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш ва рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш асосида такомиллаштирилган;

саноат корхоналарида маҳсулотлар сифатини бошқариш тизимининг мантиқий-тузилмавий модели ташкилий, иқтисодий, техник ва технологик кўрсаткичлар асосида такомиллаштирилган;

худудий саноат корхоналарида сифат бошқаруви самарадорлигини баҳолаш мезони корхона фондларининг эскириш даражаси кўрсаткичи, экспорт салоҳияти билан боғлиқ кўрсаткичлар ва аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи худудий маҳсулотнинг ўсиш кўрсаткичи асосида такомиллаштирилган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

сифатни бошқариш тизимини жорий қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари Андижон вилоятидаги саноат корхоналарига татбиқ этилиб, бошқарув самарадорлигини оширишга эришилган;

маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида аниқланган нуқсонларни бартараф этиш учун сарфланадиган харажатларни камайтириш, маҳсулот сифатини таъминлаш учун кетадиган ўзаро бир-бири билан боғлиқ харажатлар ўртасидаги нисбатни мақбуллаштириш усулини жорий этилиши худудий саноат корхоналарида қўшимча иқтисодий самарадорликни таъминлаб берган;

саноат корхоналарида сифат менежменти тизими самарадорлигини баҳолаш усуллари ва сифатни бошқариш тизимини ишлаб чиқишда функционал-қиймат таҳлилини амалда қўллаш мезонлари таклиф этилган;

саноат корхоналарида бошқарув қарорларини қабул қилиш мезонлари, аниқланган номувофиқликларни тузатиш жараёнларини режалаштириш ва амалга оширишнинг ягона алгоритми таклиф қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илғор хориж тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш, сифат менежментини ривожлантириш ва такомиллаштириш борасидаги мавжуд илмий-тадқиқот ишларини қиёсий ва танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиш, ахборотлар базасининг миллий ва халқаро нуфузли ташкилотларнинг расмий манбаларидан олинганлиги ва уларни самарали таҳлил усулларида фойдаланиш орқали қайта ишланганлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва «Ўзстандарт» агентлигининг статистик маълумотларига асосланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мавжуд йўналишдаги услубий ёндашувларни такомиллаштиришни ҳамда улардан келгусида саноат корхоналарида маҳсулот сифатини бошқаришга бағишланган махсус илмий-тадқиқотларни амалга

оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Ишлаб чиқилган илмий тавсиялар саноат корхоналарида сифатни бошқариш тизимини шакллантиришга йўналтирилган комплекс дастурлар учун ҳамда саноат корхоналарида маҳсулотлар сифатини комплекс бошқариш ва унинг рақобатбардошлигини оширишга таъсирини кучайтиришда методик база бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни республикамизда саноат корхоналарида маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга қаратилган комплекс чоратadbирлар мажмуини ҳамда сифат бошқаруви тамойилларига амал қилувчи бозор муносабатлари шароитларига мослашган саноат корхоналарида рақобатбардошликни таъминлаш бўйича услубий кўрсатмалар ва йўриқномаларни ишлаб чиқишда қўллаш мумкинлиги ҳамда саноат корхоналарида маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишда сифатни бошқариш тизимини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган услубий ишланмалар ва амалий тавсиялардан олий таълим тизимида «Стандартлаштириш асослари» ва «Метрология асослари» фанларини ўқитишда фойдаланилаётганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишда сифатни бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

саноат корхоналарида маҳсулотлар сифатини бошқариш тизимининг ташкилий механизмини корхонада меҳнат тақсимооти ва кооперациясини ташкил этиш, барча тоифадаги ишчи ходимларнинг касбий-малакавий маҳоратини ошириш бўйича берилган таклифлар «GM Uzbekistan» АЖ тизимидаги «УзХанВу» кўшма корхонаси фаолиятига жорий этилган («GM Uzbekistan» АЖнинг 2019 йил 7 мартдаги 110-6535-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларни амалиётга жорий этилиши ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турини 32 хилдан 52 хилга ошириш ҳамда корхонада бошқарув харажатларини 21,7 фоизга камайтириш имконини берган;

саноат корхоналарида маҳсулотлар сифатини бошқариш тизимининг иқтисодий механизмини корхонада маҳсулот сифатини яхшилашдан ишчи ходимларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш ва рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш асосида такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар «GM Uzbekistan» АЖ тизимидаги корхоналар фаолиятига жорий этилган («GM Uzbekistan» АЖнинг 2019 йил 7 мартдаги 110-6535-сон маълумотномаси). Натижада «Равон тараққиёт орзуси» масъулияти чекланган жамиятида маҳсулот ишлаб чиқаришда нуқсонлар вужудга келишини олдини олишга ажратиладиган харажатлар ҳажмини камайтириш орқали 300,0 млн. сўм қўшимча иқтисодий самарадорликка эришилган;

саноат корхоналарида маҳсулотлар сифатини бошқариш тизимининг мантикий-тузилмавий моделини ташкилий, иқтисодий, техник ва технологик кўрсаткичлар асосида такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар «GM Uzbekistan» АЖ тизимидаги «Sing Lida» масъулияти чекланган жамиятининг бошқарув фаолиятига жорий этилган («GM Uzbekistan» АЖнинг

2019 йил 7 мартдаги 110-6535-сон маълумотномаси). Натижада «Sing Lida» масъулияти чекланган жамиятида бошқарув харажатлари 18,1 фоизга камайган; худудий саноат корхоналарида сифат бошқаруви самарадорлигини баҳолаш мезонини корхона фондларининг эскириш даражаси кўрсаткичи, экспорт салохияти билан боғлиқ кўрсаткичлар ва аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи худудий маҳсулотнинг ўсиш кўрсаткичи асосида такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар «GM Uzbekistan» АЖ тизимидаги «AUTO FORTIS» МЧЖда сифатни бошқариш жараёнига жорий этилган («GM Uzbekistan» АЖнинг 2019 йил 7 мартдаги 110-6535-сон маълумотномаси). Натижада «AUTO FORTIS» МЧЖда сифатни бошқариш харажатларини 17,8 фоизга камайтиришга ва 132,8 млн. сўм қўшимча даромад олишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 10 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация иши мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларида 9 та илмий мақола (8 таси маҳаллий ва 2 таси хорижий журналларда), халқаро ва республика илмий-амалий конференция тўпламларида 8 та маъруза тезислари чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркибан кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 155 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ҳамда тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Саноат корхоналарида маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишда сифатни бошқариш тизимини ривожлантиришнинг назарий ва услубий асослари»** деб номланган биринчи бобида саноат корхоналарида сифатни бошқариш тизимини ривожлантириш асосида маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишнинг назарий-услубий жиҳатлари, маҳсулот сифатини комплекс бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишда сифатни бошқариш тизимини жорий этиш бўйича илғор хорижий тажрибалар ўрганилган.

Мамлакатимиз саноат корхоналари ишлаб чиқарадиган маҳсулотларнинг халқаро сифат талаблари ва халқаро стандартларга жавоб бериши уларнинг

жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллашида муҳим роль ўйнайди. Бироқ, корхонада сифат бошқаруви тизимини (СБТ)<sup>7</sup> жорий этиш ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатиладиган хизматларнинг сифати учун кафолат бўлиб хизмат қилади<sup>8</sup>.

Ҳозирги пайтда сифат тушунчасига таъриф беришда жуда кўп ёндашувлар мавжуд. ISO 9004 стандартига кўра, «Сифат – истеъмолчиларнинг айни дамдаги ва келгусида кутилган эҳтиёжларини қондириш ва маҳсулот нуқсонларини камайтириш имконини берувчи маҳсулот хусусиятлари мажмуидир»<sup>9</sup>. Кўриниб турибдики, сифат бугунги кунда илмий-техник тараққиёт, меҳнат ва ҳаётнинг энг аниқ ва умумлаштирувчи кўрсаткичидир. Корхона мутахассислари фаолиятида маҳсулот сифатини таъминлаш ва бошқариш борасида муаммоларни ечиш муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу муаммоларни ҳал этиш нафақат техника ва технологияларни такомиллаштириш, балки ишчиларнинг меҳнат маданиятини шакллантиришни ҳам кўзда тутади.

Бугунги кунда сифатни бошқаришнинг моҳияти сифат, билим ва тажрибани замонавий ишлаб чиқаришнинг илғор кучига айлантиришдан бошланса, корхонада ишлаб чиқариш маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш имконини беради. Бироқ, сифатни бошқаришни ҳаракатлантирувчи кучи бу ишга ижодий ёндашган ҳолда ишчи ходимлар меҳнат сифатини ўсишига ёрдам берувчи бошқарув назарияси асослари, ахборот ва ижтимоий-маданий технологиялардан фойдаланишдан иборат. Муаллиф фикрича, айнан шундай ижодий ёндашув ва инновацион жараёнларни маҳсулот сифатини ошириш тизимларига жорий этиш лозим.

Диссертацияда амалга оширилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, рақобат бу нисбатан арзон ва анча самарали иқтисодий назорат усули бўлиб, у маҳсулот ва хизматлар ҳариди учун минимал харажатларнигина талаб қилади. Бу муҳим динамик омил бўлиб, ишлаб чиқарувчини мунтазам равишда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва нархларни пасайтириш, маҳсулот сифатини оширишга ундайди. Бозорда талаб ва таклиф мувозанати тенг бўлганда ёки таклиф талабдан ортиб кетганда маҳсулот рақобатбардошлигини таъминловчи асосий омил бўлиб сифат майдонга чиқади. Истеъмолчи учун муҳим аҳамиятга эга ва унинг муайян эҳтиёжлари қондирилишини таъминлайдиган маҳсулот хусусиятлари мажмуи унинг қанчалик рақобатбардош эканлигини белгилаб беради.

Диссертациянинг «**Саноат корхоналарида сифатни бошқариш тизими самарадорлигини баҳолаш ва сертификатлаш бозорини ривожлантириш тенденциялари таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида саноат корхоналарига халқаро стандартларга мувофиқ сифатни бошқариш


<sup>7</sup>Сифат бошқаруви тизими (СБТ) - корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини бошқариш тизими. СБТ дан кўзланган мақсад-истеъмолчилар, корхона ходимлари, мулкдорлар ва жамият манфаатларини максимал даражада қондириш орқали барқарор ва узоқ муддатли муваффақиятга эришишдан иборат.

<sup>8</sup> Маҳсулотни сертификатлаш маҳсулотнинг ГОСТ, O'zDst ёки бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини кўрсатади. Сифат бошқаруви тизимининг (СБТ) сертификатланганлиги эса корхонада маҳсулотларни ГОСТ, O'zDst стандартларига мувофиқ ишлаб чиқарилишини таъминлайдиган тизим мавжуд эканини белгилайди.

<sup>9</sup> ISO 9004. Семинар по обучению систем менеджмента качества. Материалы обучения. – Челябинск, 2015.

тизимларини жорий этиш натижалари ва сертификатлаш бозорини ривожлантириш тенденциялари, сифат менежменти ва сертификатлаш бозорини ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар, прогноз қилишнинг услубий асослари ва амалий жиҳатлари ҳамда Андижон вилояти sanoat корхоналарида сифатни бошқариш тизими самарадорлиги баҳоланган ва таҳлил қилинган.

Тадқиқот ишида амалга оширилган таҳлилларга кўра, 2018 йилда республикамизда 445 та халқаро стандарт қабул қилиниб, амалиётга жорий этилган. Натижада, халқаро стандартларнинг жами сони 3766 тага етказилиб, амалдаги стандартларнинг халқаро талаблар билан уйғунлашганлик даражаси 13 % дан 17,1% га оширилган. Маҳаллий маҳсулотлар сифатини халқаро талабларга етказиш мақсадида, 2018 йилда 1014 та корхонада сифат менежменти тизимлари жорий этилган. Экспортёрларга қулайлик яратиш мақсадида 8 та синов лабораторияси халқаро аккредитациядан ўтказилган. Халқаро тан олинган мувофиқликни баҳолаш органлари сони 29 тага етказилиб, синов натижалари 89 та давлатда тан олинган, 4,34 млрд. сўмлик 81 дона синов ва ўлчаш ускуналари харид қилинган. 2018 йилда республикадаги жами 6849 та корхонада халқаро стандартларга мувофиқ сифат менежменти тизимлари жорий этилиб, сертификатлаштирилган (1-расм).



1-расм. Худудлар кесимида sanoat корхоналарида сифат менежменти тизимларининг жорий этилиши, 2018 йил<sup>10</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2935-сон қарори билан тасдиқланган Дастурга мувофиқ 2017-2020 йилларда республика худудларида 9158 та корхонада халқаро стандартларга мувофиқ сифат менежменти

<sup>10</sup> «Ўзстандарт» агентлигининг 2018 йил якунлари бўйича ҳисобот маълумотлари.

тизимларини жорий этиш белгиланган. Республикада халқаро стандартлардан фойдаланиш даражаси таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2018 йилда 509 та халқаро стандартларни қабул қилиш белгиланган бўлиб, амалда 445 та (87,4%) қабул қилинган.

Ҳозирги кунда республикада 22024 та стандарт мавжуд бўлиб, уларнинг 17,1 фоизи халқаро талаблар билан мувофиқлаштирилган. Бундан ташқари, 39 та техник регламент, 32 та техник қўмиталар мавжуд. 36 та давлат билан 47 та халқаро шартномалар амал қилмоқда (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган стандартлар, техник регламентлар, техник қўмиталар ва халқаро шартномалар

№	Тадбирлар номи	Ўлчов бирлиги	2017 йил	2018 йил				
				Режа	Амалда	Бажарилиши, %	Ўсиш суръати, %	
1	<b>Стандартлар сони</b>	дона	21 579	22 088	22 024	99,7	102,5	
	Ш.ж. Халқаро талаблар билан мувофиқлаштирилганлари	дона	3 321	3 830	3 766	98,3	119,4	
		%	15,4	17,3	17,1	-	-	
2	<b>Техник регламентлар</b>	дона	38	44	39	88,6	102,6	
3	<b>Техник қўмиталар</b>	дона	32	32	32	-	-	
	Ш.ж. Халқаро техник комитетларда иштирок этаётганлар	дона	7	8	8	100,0	114,3	
4	<b>Жами корхоналар сони</b>	дона	45078					
	Ш.ж. Халқаро сифат менежменти сертификатига эга корхоналар	дона	6457	8673	7471	86,1	115,7	
		%	14,3	19,2	16,6			
5	<b>Халқаро шартномалар / давлатлар сони</b>	дона	47	52	47	90,4	90,4	
		дона	36	36	36	100,0	100,0	
	Ш.ж.	Стандартлаштириш соҳасида	дона	36	38	36	94,7	94,7
		Сертификатлаштириш соҳасида	дона	36	39	39	100,0	100,0
		Метрология соҳасида	дона	29	30	29	96,7	96,7

Манба: «Ўзстандарт» агентлиги маълумотлари.

Саноатда фойдаланилаётган ўлчаш воситалари сони сўнгги беш йилда 2,5 баробар ошган бўлишига қарамай, эталонлар базаси янгиланмаганлиги сабабли соҳада эталонлар етишмаслиги кузатилмоқда (жами 11 та эталон мавжуд). 2018-2021 йилларда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 3,8 млн. Долларлик 15 та эталон харид қилиниши дастури тасдиқланган. Дастурга мувофиқ йил якунига қадар 667,6 минг долларга 5 та эталон харид қилиниб, эталонлар сони 16 тага етказилади.

2018 йилда 154 та стандартни қабул қилиш белгиланган бўлиб, амалда 309 та халқаро стандартлар қабул қилинган.

Муаллиф фикрича, техник жиҳатдан тартибга солиш ҳамда стандартлаштириш тизимларини халқаро меъёрларга етказиш ва техник қўмиталар

фаолиятини ривожлантириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш таклиф этилади:

техник қўмиталар мотивациясини кучайтириш, уларни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш;

техник қўмиталар таркибини илмий салоҳиятга эга, малакали ва етарли иш тажрибасига эга мутахассислар таркибидан кучайтириш;

техник қўмиталарнинг халқаро ташкилотлар техник қўмиталари билан ҳамкорлигини кенгайтириш;

илмий изланишлар ўтказиш ва замонавий инновацион талабларни ўзида мужассам этган стандартларни ишлаб чиқиш мақсадида илмий-тадқиқот институтларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

техник қўмиталар фаолияти самарадорлигини баҳолаш механизминини йўлга қўйиш.

Таҳлилларга кўра, 2017 йилда 54,5 минг дона ўлчов воситалари метрологик аттестация қилинган. Бундан ташқари, 107 дона ўлчов воситаларига тасдиқланган турни тан олиш сертификатлари ишлаб чиқилган, 108 дона ўлчов воситалари тасдиқланган турни тан олиш мақсадида синовдан ўтказилган.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда ISO 22000 «Озиқ-овқат хавфсизлиги менежменти» стандартини кенг жорий этиш мақсадида «Ўзбекозиқовқатхолдинг» ХК ва «Ўздонмаҳсулот» АК лар билан ҳамкорликда ISO 22000 стандарти жорий этилмоқда.


Республикада электротехника, кимё, енгил саноат ва тўқимачилик саноатига ҳам сертификатлаш тизими ортмоқда. Амалга оширган тадқиқотлар натижаларига кўра, аксарият компанияларда (72 фоиз) ISO стандартларини жорий этиш даромад, рентабеллик ва мижозлар базасининг ўсиши каби самарадорлик кўрсаткичларида ижобий натижаларга эришилишига сабаб бўлганлиги кузатилди. Қолаверса, ишлаб чиқаришда яроқсиз маҳсулотлар салмоғини камайтириш (36 фоиз корхоналарда), шунингдек, корхоналар экспорт фаолиятини яхшилаш (20 фоиз) имконини берган, бу эса, ўз-ўзидан, рақобатбардошликнинг ошишига хизмат қилган<sup>11</sup>.

Сертификатланган корхоналарнинг асосий қисми иқтисодиёт тармоғининг озиқ-овқат (2191 та) ва енгил саноат (1217 та) тармоқларига тўғри келади. Энг катта хажми (6548 та) ИСО 9001 сифат менежменти тизими ташкил этади. 2018 йилда ИСО 9001 сифат менежменти тизимини жорий этган корхоналар сони жами халқаро стандартларга мувофиқ сифат менежменти тизимлари жорий этган корхоналарнинг 93 фоизини ташкил этган (3-расм).

Ўзбекистонда техник регламентлар Европа ҳамжамияти, Евроосиё иқтисодий кенгашининг Божхона иттифоқи, ҳамда МДХ давлатлари техник регламентлари, шунингдек халқаро стандартлар талабларининг Ўзбекистон учун энг мақбуллари асосида ишлаб чиқилади. Божхона Иттифоқида амалда бўлган 52 та техник регламентдан 25 таси Ўзбекистон Республикасида тасдиқланган техник регламентлар билан уйғунлашган. Халқаро ҳамкорлик

<sup>11</sup> «Ўзбекистонда ISO сертификати бозори шарҳи»ни тайёрлаш доирасида олиб борилган сўровнома натижалари.

доирасида «Росстандарт» билан келишув асосида 2017 йилда 264 дона Россия Федерацияси миллий стандартлари давлат рўйхатига киритилди. 2017 йилда 594 та давлатлараро стандартлар (ГОСТ), 647 та халқаро ИСО стандартлари Ўзбекистон ҳудудида жорий этилди.



**3-расм. Халқаро стандартлар турлари кесимида халқаро стандартларга мувофиқ сифат менежменти тизимлари жорий этган корхоналар тўғрисида маълумот, 2018 йил<sup>12</sup>**

Республика ҳудудларида халқаро стандартларга мувофиқ сифат менежменти тизимларини жорий этган корхоналар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2018 йилда сифат менежменти тизимларини жорий этган корхоналарнинг асосий қисми Тошкент шаҳрида (1192), Самарқанд (892), Тошкент (645) ва Фарғона (638) вилоятлари хиссасига тўғри келган (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Республика ҳудудларида халқаро стандартларга мувофиқ сифат менежменти тизимлари жорий этган корхоналар тўғрисида маълумот (халқаро стандартлар турлари кесимида, 2018 йил)**

№	Ҳудудлар	ISO 9001	ISO 14001	OHSAS 18001	ISO 22000	ISO 50001	ISO/TS 16949	GMP	ИСМ
1	Қорақалпоғистон Р.	183	1	1	4	-	-	-	3
2	Андижон	477	9	10	16	11	21	-	5
3	Бухоро	407	13	19	5	4	0	-	13
4	Жиззах	172	-	1	4	1	2	-	3
5	Қашқадарё	301	3	9	6	1	0	-	12
6	Навоий	337	9	10	2	5	5	-	6
7	Наманган	465	2	4	7	1	1	1	-
8	Самарқанд	892	4	3	12	5	-	1	6
9	Сурхондарё	284	3	1	5	-	-	0	-
10	Сирдарё	246	-	-	3	-	-	1	-
11	Тошкент вилояти	645	3	4	30	5	-	2	14
12	Фарғона	638	5	1	3	5	5	-	11
13	Хоразм	309	1	1	6	2	1	-	2
14	Тошкент шаҳри	1192	14	24	37	2	6	9	19
	<b>Жами</b>	<b>6548</b>	<b>67</b>	<b>88</b>	<b>140</b>	<b>42</b>	<b>41</b>	<b>14</b>	<b>94</b>

Манба: «Ўзстандарт» агентлиги маълумотлари.

<sup>12</sup> «Ўзстандарт» агентлигининг 2018 йил якунига бўйича ҳисобот маълумотлари.



Юқоридаги жадвал асосидаги таҳлил ҳудудлардаги мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарига нисбатан амалга оширилганда эса юқори кўрсаткич Самарқанд ва Навоий вилоятларига тўғри келади, ушбу вилоятларда жами ишлаб чиқариш корхоналарининг мос тарзда 29,9 ва 26,5 фоизлари халқаро стандартларга мувофиқ сифат менежменти тизимлари билан сертификатланган.

Муаллиф фикрича, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ҳамда рақобатбардошлигини ошириш ва синов базаларини ривожлантириш бўйича қуйидаги мавжуд муаммоли масалаларни бартараф этиш лозим:

конунчиликда белгиланган сифатсиз маҳсулотларни ишлаб чиқарганлик ва реализация қилганлик учун кўриладиган чораларнинг қатъий эмаслиги;

мавжуд синов лабораторияларини модернизация қилиш бўйича ишларнинг суст даражада амалга оширилаётганлиги;

ички бозорни сифатсиз ва хавфли маҳсулотлардан ҳимоя қилиш механизмининг мавжуд эмаслиги.

Ушбу муаммоли масалаларни бартараф этиш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

сифатсиз маҳсулотларни аниқлаш ва улар реализация қилинишини олдини олиш мақсадида «Назорат хариди»ни мунтазам йўлга қўйиш;

«Ўзстандарт» агентлиги тизимидаги лабораторияларни модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш;

синов мажмуалари комплекси (кампус)ни ҳудудий миқёсда (Тошкент, Самарқанд ва Ҳоразм шаҳарларида) ташкил этиш;

техник регламентларнинг янги дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

стандартлаштириш соҳасидаги амалдаги ҳужжатларни халқаро нормалар билан уйғунлаштириш (миллий стандартлар, техник регламентлар);


сертификатлаштириш органлари, синов лабораторияларининг аккредитация доиралари қабул қилган техник регламентларга мувофиқ кенгайтириш.

Диссертациянинг **«Маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишда сифатни бошқариш тизимини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш»** деб номланган учинчи бобида саноат корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ сифатни бошқариш тизимини жорий этиш орқали маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш стратегияси ва ҳудудий саноат корхоналарида сифатни бошқариш тизимини ривожлантириш ва давлат томонидан тартибга солишни ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Муаллиф томонидан диссертацияда амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига кўра, саноат корхоналарида маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини бошқариш тизими моделини қуйидаги кўринишда ифодалаш таклиф этилади (4-расм).

Саноат корхоналари маҳсулотлари сифатини таъминлашда бошқариладиган объектга киришлар таъсир ( $n+r$ ) кўрсатади ва бунда уларнинг ( $W_i$ ) бир қисмини баҳолаш анча мушкул ҳисобланади (корхона фаолиятига таъсир этадиган сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитларнинг ўзгариши).

Схемада  $X_i$  билан кўрсатилган киришларнинг бошқа қисмини эса корxonанинг маркетинг хизмати ўрганиши ва баҳолаши керак. Шу билан бирга, давлат маъмурий органларидан ўтиб, турли тартибга солувчи таъсирлар ( $R$ ) кўринишида ўз ифодасини топадиган қисми ҳам корxonанинг маркетинг хизмати ўрганиши ва баҳолаши лозим.



4-расм. Саноат корxonаси маҳсулотларининг сифатини бошқариш ва рақобатбардошлигини ошириш модели<sup>13</sup>

Диссертацияда Андижон вилоятида фаолият кўрсатаётган «УзХанБу» кўшма корxonаси, «Auto Fortis» МЧЖ, «Sing Lida» МЧЖ, «Togo Glass» МЧЖ, «Равон тараққиёти орзуси» МЧЖ лар мисолида олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, маҳсулот сифатини бошқариш функциясини тўлиқ амалга ошириб бўлмаслигини кўриш мумкин. Улардан аксариятининг амалга оширилганлик даражаси 40 % гача етиб бормайди, ўрта ҳисобда эса ушбу даража 31 % дан ошмайди. Таҳлил натижаларига кўра, беш баллик ўлчов шкаласида уларнинг бир нечтасигина 3 баллдан биров юқори бўлган сифат даражасида амалга оширилади, ўрта ҳисобда эса 2,51 баллдан ошмайди.

Муаллиф фикрича, саноат корxonаларида рақобатнинг кучайиб бориши шароитида ҳар бир корxonа ва ташкилот барқарор равишда сифатли маҳсулот

<sup>13</sup> Муаллиф ишланмаси

ишлаб чиқариши учун сифат бошқарув тизимини йўлга қўйиши ва ривожлантириши лозим бўлади. Шундагина корхона йирик ҳажмларда маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиши мумкин бўлади. Аниқ ва самарали фаолият кўрсатадиган сифат тизимига эга бўлмай туриб, катта ҳажмда маҳсулотлар ишлаб чиқара олмайди. Корхонада сифат тизими мавжудлигини компаниянинг бугунги замон маҳсулот сифатини таъминлаш талабларига жавоб беришини илмий жиҳатдан ўрганиб чиқиш талаб этилади.

Кузатувлар олиб борилган «УзХанВу» қўшма корхонаси, «Auto Fortis» МЧЖ, «Sing Lida» МЧЖ, «Togo Glass» МЧЖ корхоналарида маҳсулот сифатини бошқариш тизимини такомиллаштириш, унинг комплекс таъсирини кучайтириш захиралари ҳамда ушбу тизимни такомиллаштиришнинг аниқ йўллари ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатди ва бу корхоналарнинг жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллашида муҳим роль ўйнайди.

### 3-жадвал

#### Саноат корхоналари маҳсулот сифатини бошқариш функциялари, усуллари ва воситаларидан фойдаланилганлик даражаси ва сифати таҳлили<sup>14</sup>

Маҳсулот сифатини бошқариш функциялари	Амалга оширилиш даражаси, %	Амалга ошириш сифати, балл	Маҳсулот сифатини бошқариш усул ва воситалари	Фойдаланилганлик даражаси, %	Фойдаланилганлик сифати, балл
Мақсадларни белгилаш	31	2,3	Ташкилий ва бошқарув	53	3,2
Прогноз қилиш	9	1,8	Ижтимоий-иқтисодий	35	3,0
Режалаштириш	45	3,2	Ижтимоий-психологик	21	2,4
Ташкиллаштириш	56	3,4	Инструктив-методик таъминот	19	3,1
Мувофиқлаштириш	23	2,5	Ахборот таъминоти	24	2,9
Тартибга солиш	29	2,2	Норматив таъминот	16	2,0
Фаоллаштириш	17	2,0	Бошқарув функцияларини стандартлаштириш	12	1,8
Рағбатлантириш	42	3,0	Маҳсулот сифатини бошқаришда компьютер дастурларидан фойдаланиш	07	2,4
Ҳисобга олиш	44	2,9	Ишчиларнинг маҳсулот сифатини бошқаришда иштирок этиши	10	1,7
Назорат қилиш	26	2,4	Индивидуал ва турлича ёндашув	17	2,1
Таҳлил қилиш	19	1,9	Сифатнинг инновацион таъминоти	12	2,2

Кўриб чиқилган мулоҳазалар маҳсулот сифатини комплекс бошқариш элементларининг таркиби ва мазмунига кўра, унинг фаолияти моделини тузиш

<sup>14</sup> Муаллиф ишланмаси. Жадвал 23 нафар сифат бошқаруви соҳасида фаолият юритувчи юқори малакали экспертлардан олинган сўровнома маълумотлари таҳлили асосида тузилган. Экспертлар фикрларининг бир-бирига мувофиқлиги коэффиценти  $W=0,55$ . Таҳлиллар «УзХанВу» қўшма корхонаси, «Auto Fortis» МЧЖ, «Sing Lida» МЧЖ, «Togo Glass» МЧЖлар мисолида амалга оширилган.

имконини беради. Ушбу модель маҳсулот сифатини комплекс бошқариш элементларининг мазмуни ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини яққол тасвирлаб беради ва ундан «Сифат» АБТ (автоматлаштирилган бошқарув тизими)ни ишлаб чиқишда, сифат бошқаруви тизими раҳбарлари, ташкилотчилари ва иштирокчиларини ўқитишда, маҳсулот сифати ва унинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва унинг айна ҳолатини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин.

Шунинг асосида диссертацияда саноат корхонаси маҳсулоти сифатини комплекс бошқариш ва унинг рақобатбардошликни оширишга таъсирини кучайтиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари ишлаб чиқилган (5-расм).

Саноат корхоналарига ушбу бошқарув тизимини жорий этишда муаллиф томонидан қуйидаги уч муҳим йўналиш алоҳида ажратилган:

биринчи, моддий-техник ва ташкилий-бошқарув омилларининг (меҳнатни ташкил этиш ва меҳнат шароитлари, ташкилий тузилмаларни такомиллаштириш, АБТ ни жорий этиш ва ҳоказолар) фаоллашишига ёрдам берувчи шароитларни яратиш;


иккинчи, ижтимоий-иқтисодий омиллар (рағбатлантириш, рақобат муносабатлари, раҳбарлар иш услуби ва усуллари, касбий мулоқот, танқид ва ўзига танқидий қарашни такомиллаштириш ва ҳк.) таъсирининг фаоллашишига ёрдам берувчи шароитларни яратиш;

учинчи, маҳсулот сифатини комплекс бошқаришнинг барча элементларидан, жумладан, унинг тамойиллари, функциялари, усул ва воситаларидан ишлаб чиқариш самарадорлиги омиллари ва муайян кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқликда оқилона фойдаланиш.

